



ПРЕЗИДЕНТ ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев Алматидаги хостеллардан бирида ҳалок бўлган қозоғистонлик ва хорижлик фуқароларнинг оила аъзолари ва яқин-ларига ҳамдардлик билдирди.

“Ғожаи учун айбдорлар қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади. Ҳукумат ва шаҳар ҳокимлигига ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатиш топширилди”, дейилади хабарда.

24.kz.

МАҚСАД МУШТАРАК, МАНФААТЛАР ЯГОНА

Ўзбекистон пойтахтида БМТ томонидан тасдиқланган Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича иккинчи дунёвий форуми ўтди.



Унда юзга яқин хорижий парламент раҳбарлари ва вакиллари, халқаро парламентлараро ташкилотлар раҳбарлари, халқаро ташкилот вакиллари, хорижий экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Парламентлараро иттифок, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ва Туркий давлатлар парламент ассамблеялари раҳбарлари, Марказий Осиё давлатлари депутатлари иштирок этди. Анжуман давомида мутахассислар қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, белгиланган мақсадларга биргаликда эришиш ва бошқа мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш масалаларини муҳокама қилишди.

Анжуман давомида барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Қозоғистонда фаолият юритаётган нодавлат-нотижорат ташкилотлари ташаббуси билан илгари сурилган БМТ Бош Ассамблеясининг “Барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кенгайтириш тўғрисида”ги резолюция лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Тадбир яқунларига кўра, қўшма ҳужжат — Тошкент коммуничеси қабул қилиниб, унга кун тартибидagi долзарб масалалар юзасидан таклифлар киритилди.

24.kz.

»» Қадринг баланд бўлсин, «Жанубий Қозоғистон»!



АВАЗХОН – «ШАҶЫРАҚ» ТАНЛОВИНИНГ СОВРИНДОРИ!

Қозоғистоннинг пойтахти Астана шаҳридаги “Дўстлик уйи”да ҚР Маданият ва ахборот вазири билан “Жамоат тотувлиги” республика давлат корхонаси шафелигида Қозоғистон халқи Ассамблеясининг этножурналистика соҳасидаги «Шаңырақ» республика ижодий танловининг ғолибларини шарафлаш ва мукофотлаш тадбири оқсак савияда ўтди.

Танлов давомида ҚХА фаолиятини, лойиҳаларини матбуотда ёритиб, обрусини оширадиган, жамоат тотувлиги ва умуммиллий ҳамкорликни ривожлантиришда давлат сиёсатини атрофлича тарғиб қиладиган илғор муаллифлар — қалам аҳли саралаб олинди.

Танловда республика, вилоят ҳамда этнооммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тантанали тадбирда танлов ғолиблари диплом ва пул мукофотлари соҳибларига айланишди.

Улар сафида Туркистон вилояти журналистикасининг илғор вакили, ҚР Журналистлар уюшмаси аъзоси, «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррирининг муовини Авазхон Абдуфаттоҳ ўғли Бўронбоевнинг ҳам борлиги қувонарли.

Авазхон Абдуфаттоҳ ўғлини ижодда эришган ютуғи билан самимий табриқлаймиз, ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлиқ ва ижодий баркамоллик ҳамиша ёр бўлсин!

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

УЧ МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛАДИ

2-бет

ЁМОН ҚЎШНИ БОШГА БАЛО, ЛЕКИН...

6-бет

БУГУН КУМУШ ҚИШНИНГ БИРИНЧИ КУНИ

8-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2023 йил 2 декабрь, шанба, №134-135 (3330-3331).

»» Президент


САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

ҚАСИМ-ЖЎМАРТ ТЎҚАЕВ ВА ФАУРЕ ЭССОЗИМНА ГНАССИНГБЕ ОАВ ВАКИЛЛАРИ УЧУН БРИФИНГ ЎТКАЗДИ

Икки томонлама музокаралардан сўнг Қозоғистон Давлати раҳбари ва Того Президенти оммавий ахборот воситалари вакилларига қўшма баёнот берди.

Қасим-Жўмарт Тўқаев Президент Гнассингбега таклифни қабул қилиб, Қозоғистонга расмий ташриф билан келгани учун миннатдорчилик билдирди. Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, Того Президентининг ташрифи икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кенг йўл очади ва Африка қитъаси билан алоқаларимиз юксак даражада эканини тасдиқлайди.

— Африка давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Қозоғистон ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. Давлатларимиз бир-биридан узокда жойлашганига қарамай, биз Того билан яқинроқ алоқаларни ўрнатишга тайёрмиз. Биз бу давлатнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Келгуси йил Қозоғистон ва Того ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 10 йил тўлади. Ўтган давр мобайнида дўстлик ва ўзаро ёрдамга асосланган ҳамкорлик мустаҳкамланди. Бугун унга янги туртки бериш учун улкан са-



лоҳият мавжуд. Ҳозиргина бу масалани муҳокама қилиб, муҳим келишувларга эришдик. Буларнинг барчаси сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги алоқаларни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда, — деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

— Қозоғистонда 100дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилади. Конфессиялараро ва динлараро мулоқотни ривожлантириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир,

— деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, Қозоғистон ва Того ўртасидаги ҳамкорлик ва шериклик салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмапти. Уни ривожлантириш учун икки томонлама ҳужжатларни, жумладан, сармояларни ўзаро химоя қилиш тўғрисидаги битимни имзолаш зарур.

Қозоғистон Президенти ўзаро савдон ривожлантириш ва ишбилармон гуруҳлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш му-

ҳимлигини таъкидлаб, Қозоғистоннинг Тогодаги фахрий консули лавозимига муносиб номзодни аниқлашни таклиф қилди. Давлат раҳбарининг фикрича, бундай қадам икки мамлакат ўртасидаги В2В алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлат раҳбари — Қозоғистон Президенти маслаҳатчиси — матбуот котиби Берик Уали ушбу ташифнинг мазмуни ва аҳамияти ҳақида фикр билдирди.

Akorda.kz.



»» “Жанубий Қозоғистон” — ҳар бир хонадонга!

РАХИМ КЎЛБАЙУЛИНИНГ ИБРАТИ

ҚР Президенти Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаевнинг Фармонига биноан юксак давлат мукофоти — “Парасат” ордени билан мукофотланган ҳиммати мўл Рахим Танирбергенов (тасвирда) “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига муносиб ҳисса қўшди.

Туркистон шахри ҳамда вилоятимиз фахрий фуқароси, “Жолаушы” МЧБ муассиси, газетамиз жонкуяри Рахим Кўлбайули таваллудининг 75 йиллиги арафасида 75 нусха газетани корхона ҳисобидан обуна қилдириб, кўпчиликка намуна бўларли ташаббус кўрсатди.

Таъкидлаш жоиз, вилоят маслаҳати депутатлигига бир неча марта сайланган Р. Танирбергенов ўз сайловчиларининг таълиф-илтимослари асосида жуда кўп муаммолар масалаларининг ижобий ҳал этилишига эришган серғайрат инсон. Унинг кенг қамровли фаолияти ҳақида “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида кўп бор ёритилган. Юбилей шарафига Р. Танирбергенов қурдирган умумтаълим мактабларида аҳоли билан учрашувлар режаланган. Рахим

генов ўз сайловчиларининг таълиф-илтимослари асосида жуда кўп муаммолар масалаларининг ижобий ҳал этилишига эришган серғайрат инсон. Унинг кенг қамровли фаолияти ҳақида “Жанубий Қозоғистон” газетаси саҳифаларида кўп бор ёритилган. Юбилей шарафига Р. Танирбергенов қурдирган умумтаълим мактабларида аҳоли билан учрашувлар режаланган. Рахим



Кўлбайулига мустаҳкам саломатлик, фарзандлар, неваралар саодатини кўриб, янги зафарларга эришаверишига тилакдошимиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

6 ОЙГА ОБУНА БАҲОСИ:
«Қазпошта» ҲЖ орқали —
Туркистон вилояти бўйича —
3415,50 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича —
3095,15 тенге.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 65466



РЕСПУБЛИКАДА

Вилоят иқтисодиётининг муҳим соҳаларидан бири – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1 трлн. тенгедан ошиб, республикада етакчи бўлди. Йил бошидан буён соҳага 88,5 млрд. тенге сармоя жалб қилинган. Бу ҳақда Марказий алоқалар хизмати майдонида вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир ҳисобот чоғида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди ахборот берди.

– Жорий йил қишлоқ хўжалигининг асосий муҳим масалаларига эътибор қаратилиб, уни тизимли ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилди. Дастлабки, иссиқхона хўжалиқларини қўллаб-қувватлашнинг янги дастаклари тузилиб, иситиш тизимларини субсидиялаш қондаси тасдиқланди. Ушбу мақсадга 500 млн. тенге ажратилди. Шунингдек, иссиқхоналарни ягона марказдан қаттиқ ўтин билан таъминлаш мақсадида ширкат тузилиб, кўмир ишлаб чиқарувчилардан бевосита ташиб келтиришга эришилди. Иккинчидан, пахтачиликни ривожлантириш мақсадида “Global Textile Solution”, “TST JETISAY TEXTILE”, “Cotton Мақта” ҳамда “Tulpar Textile” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу билан пахта баҳосининг экспортга белигини бартараф этамиз. Шунингдек, пахта рентабеллигини донбоп маккажўхори билан алмаштириш



мақсадида “Йилига 150 минг тонна маккажўхорини чуқур қайта ишлаш заводи” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Учинчидан, сув хўжалигини ривожлантириш учун “Тўран су” давлат корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш орқали каналларни аслига келтириш ҳамда фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш тадбирларини муддатида амалга оширдик. Натижада бюджет маблағи 28 фоизга тежалиб, иқтисодиётнинг самарадорлиги 1,5-2 бараварга ошди, – деди Дархан Сатибалди.

Экинларни ранг-баранглаштириш натижасида сабзавот ва полиз маҳсулотларидан рекорд даражада – 3,3 млн. тонна ҳосил кўтарилди. Соҳада янги технология қўлланилмоқда. Интенсив боғ ҳажми жорий йил 5 405 гектарга етказилиб, ҳосилдорлик 5 бараварга ортди. Илгари 60-70 центнер бўлса, ҳозир 300-350 центнергача ҳосил олинмоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш бўйича вилоят республикада олдинги сафда. Мол боши ва самарадорлиги ўртача ҳисобда 5 фоизга ўсмоқда. Гўшт экспорти бўйича вилоят республикада етакчи. Сўқим гўштининг улуши 85 фоиз, қўй гўшти – 60 фоизни тақшил этади. 10 минг тонна сўқим, 4,6 минг тонна қўй гўшти экспортга чиқарилди.

2 йилда 140дан зиёд ҳоким сайланди

Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Адолатли Қозоғистонни барпо этиш ташаббуси доирасида Туркистон вилоятида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда Марказий Алоқалар хизматида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид ҳисобот чоғида вилоят ҳокими Дархан Сатибалди маълум қилди.

– Адолатли Қозоғистонни барпо этиш йўлидаги эзгу тадбирларда барча қозоғистонликлар фаол иштирок этсагина, умумий мақсадга эриша оламиз. Давлат раҳбарининг “Халқ овозини тинглайдиган мамлакат” тамойили доирасида ҳокимларнинг аҳоли билан учрашувлари янги шаклда ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида барча даражадаги ҳокимлар томонидан аҳоли билан учрашувлар ташкил этилиб, 6578та масала кўтарилди. Жумладан, инфратузилма билан таъминлаш, ижтимоий масалалар энг кўп саволларга сабаб бўлди. Бюджет имконига қараб, кўтарилган масалаларнинг аксария-



ти ҳал этилди ёки уларнинг 89,2 фоизи ечимини топди, – деди Дархан Сатибалди.

Ортимиздаги сиёсий ислохотлар доирасида қишлоқ аҳолиси 2 йилдан буён қишлоқ ҳокимини танлаш имкониятига эга бўлди. Натижада Туркистон вилояти

бўйича 140 қишлоқ ҳокимлари сайланди. Шунингдек, жорий йил 4та туманда ҳоким сайлови ўтди. Ислохотлар давлат бошқарувидаги қарор қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштироки имкониятини кенгайтирмоқда.



Туркистон вилоятида қурилиш соҳаси жадал тараққий этмоқда. Йил поёнига қадар қўшимча 199 минг квадрат метрдан иборат 59та кўп қаватли уйни фойдаланишга топшириш режаланган. Пировардида 3 341 оила янги уй соҳибларига айланишади.

Жорий йил 10 ойда бинокорлик ишлари ҳажми 250 млрд. тенгени ташкил этиб, 783,7 минг квадрат метр уй-

УЧ МИНГДАН ЗИЁД ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛАДИ

жой фойдаланишга топширилди. Шунингдек, 55та уй яъни, 1077та квартира тубдан таъмирланмоқда. Уйга навбатда турганларнинг эҳтиёжини қондириш борасида олдинги ўриндамиз. Жорий йил 10 ойи натижаларига кўра, 1 072 оила бошпанали бўлган.

Умуман, вилоят ташкил

топгандан буён, 2018-2023 йиллар мобайнида навбатдан турган 6 303 оила уй билан таъминланган. Туркистон шаҳрида 2022-2023 йиллар оралиғида “7-20-25” дастури доирасида 3 мингдан зиёд оила ҳамда “Отбасы банк” ҲЖ дастурлари доирасида 1715 оила ипотека уй соҳибларига айланишган.



ТИББИЙ ИНШОТ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Вилоятда тиббий инфратузилмани янгилашга катта эътибор қаратилмоқда.

– Минтақадаги тиббий муассасаларда 5,5 мингдан зиёд шифокор ва 19 мингдан зиёд ўрта бўғин тиббиёт ходимлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Тиббий ускуналар билан таъминлаш даражаси 84 фоиздан юқори, режа тўлиқ ууддаланган. Жорий йил 14та соғлиқни сақлаш иншооти қурилиши якунланди. Давлат раҳбарининг топшириғига мувофиқ, Сариеғоч шаҳрида перинаталь марказига эга замонавий тиббий мажмуа қурилишининг лойиҳаси ҳозирланмоқда. Келгуси йилда қурилиш бошланади. “Қишлоқда соғлиқни сақлашни янгилаш” миллий лойиҳаси доирасида қишлоқларда 49та янги тиббий иншоот барпо этиш режаланмоқда, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

Ўтган йили минтақада қурилаётган 31 иншоотнинг 16таси фойдаланишга топширилди. Вилоят бўйича қиймати 185 млрд. тенгедий 6та тиббий иншоот қурилиши режалаштирилган. Туркистон шаҳрида 570 ўринли кўп соҳали касалхона, вилоят болалар шифохонаси, “Она ва бола” маркази, шунингдек, Ўрдабоши туманида перинаталь марказ барпо этилади.

Мазкур 570 ўринли кўп соҳали касалхонанинг бинокорлик ишлари 2020 йили бошланган, бинони туркиялик сармоядор “YDA Holding” барпо этмоқда. 2023 йилнинг апрель ойида лойиҳа-смета ҳужжатига ижобий ҳулоса олинди. ҚР Соғлиқни сақлаш вазирлиғига кўп соҳали касалхона барпо этиш бўйича бизнес-лойиҳа тавсия этилди. Бугунги кунда қурилиш ишларининг 40 фоизи поёнига етган, 2024 йилнинг охирида фойдаланишга берилиши кутилмоқда.

Туркистон вилояти бўйича 749та тиббий муассаса аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

ТИББИЙ АВТОМОБИЛЛАР ХАРИД ҚИЛИНАДИ

Вилоятда соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий тиббий ускуналар ва техника билан таъминлаш тадбирлари жадал олиб борилмоқда.

– Давлат раҳбарининг топшириғига кўра, минтақада туғруқхона ва жонлантириш сақлаш хизматларининг тиббий ускуналар билан таъминланишига катта эътибор қаратилмоқда. Вилоятда ушбу йўналишдаги таъминот даражаси 84,21 фоизни ташкил этиб, йиллик режа тўлиғи билан адо этилган. Натижада ўтган йили ўлим ҳолатлари кўрсаткичи анча пасайди. Биз минтақада тиббиёт соҳасини зарур анжомлар билан таъминлашни мунтазам юритаверамиз, – деди вилоят раҳбари.



2022 йили “СП КАТКО” МЧБ ҳомийлигида Туркистон шаҳрида Марказлаштирилган тезкор тиббий ёрдам станцияси очилган эди. Вилоятда 2 088 510 кишига 1та тез тиббий ёрдам станцияси, 6та бекат, туманларда 17та бўлим фаолият юритмоқда. Аҳолига жадал ёрдам беришнинг оммабоблигини ошириш, қақирувлар кечикишини камайтириш мақсадида олис участкаларда 46та қўшимча кечаю кундуз фаолият юритувчи бекат, 142та шифокорлик ва фелдшерлик бригада ташкил этилган.

Жорий йил замонавий, кенгайтирилган сервер хизмати ишга туширилди. Декабрь ойида 75та тиббий автомобиль харид қилинади.



САРМОЯ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ЕТАКЧИЛАР САФИДА

Вилотимизда сармоя жалб қилиш, индустриаллаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Жорий йил 10 ойи натижаларига кўра, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўсиш кўрсаткичлари қувонарли. Ялпи маҳсулот ҳажми 3 трлн. тенгедан ошди. Минтақада заводлар қуриш, сармоя жалб қилиш ишларига эътибор кучли. Хорижлик йирик компаниялар билан музокаралар юритилмоқда, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

«Қазатомөнеркөсіп» ҲҲ уран ишлаб чиқарувчи компаниялар илтимосига мувофиқ, Сўзоқ туманида олтингугурт ишлаб чиқарадиган завод қуришни режалаштирмоқда. Лойиҳа қиймати 100 млрд. тенге. Натижада

250 янги иш ўрни очилади. Бугунги кунда завод учун ер ажратилди.

Минтақа саноат салоҳияти тараққиётига имкон берадиган қатор муҳим лойиҳаларни амалга ошириш режаланган. Қайта ишлаш саноатида 20та лойиҳа ишга туширилиб, 594та иш ўрни очилиши кутилмоқда. Шу кунгача 384та янги иш ўрни билан умумий қиймати 11 млрд. тенгени ташкил қиладиган 10та лойиҳа ишга туширилди.

Вилоят иқтисодиётига жалб қилинган сармоя ҳажми 751 млрд. тенгедан ошди. Бевосита хорижий сармоялар ҳажми 225,3 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 2026 йилгача 16467та янги иш ўринлари очилиши режаланган.

ЕТАКЧИ ВИЛОЯТ

САБЗАВОТ ОМБОРИ ҚУРИЛМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Туркистон вилоятининг Саврон туманида 1 гектар майдонда сабзавот омбори қурилиши бошланди.

– Туркистон вилоятида қишлоқ хўжалиги яхши ривожланган. Ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бироқ, маҳсулотларни сақлаш ва чуқур қайта ишлаш масалалари долзарбдир. Биз бунга эътибор қаратмоқдамиз. Яқинда Туркистон шаҳри яқинида сабзавот омбори қурилиши бошланди. Лойиҳанинг қиймати – 1,4 миллиард тенге, сигими – 4000 тонна.

Келгуси йили фойдаланишга топширилади, – деди вилоят ҳокими Дархан Сатибалди.

Вилоят тадбиркорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида келгуси йилдан эътиборан омборлар қурилишига сармоя харажатларининг 50 фоизи қопланади.

Таъкидлаш жоиз, вилоят аҳолисининг 80 фоизи қишлоқда яшайди. Асосий касби – қишлоқ хўжалиги. Бошқа соҳа билан таққослаганда, даромад паст. Шу муносабат билан қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш мақсадида Давлатимиз раҳбарининг топшириғига мувофиқ, жорий йилдан эътиборан “Қишлоқ омонати” лойиҳаси 6 йўналишда амалга оширилмоқда.



Ушбу мақсадда бюджетдан 19,8 миллиард тенге ажратилган. Қалдирғоч лойиҳада 64та қишлоқ округи иштирок этмоқда.

Бугунги кунда 14,8 миллиард тенгеге 2 496 лойиҳа молиялаштирилди. Лойиҳа натижасида 3 413 янги иш

ўрни очилади, қўшимча 30 миллиард тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Лойиҳа иштирокчиларининг ўртача даромади ортади, манзилли ижтимоий ёрдам олувчилар сони камаяди, қайта ишлаш қорхоналари фаолияти кенгайиши кутилмоқда.

Вилоятда болалар хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида «Хавфсиз мактаб» лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилмоқда.

– Болаларнинг сифатли билим олиши ва хавфсизлиги масалалари доимо вилоят раҳбариятининг диққат марказида. Бугунги кунгача мактабларда болалар хавфсизлиги долзарб муаммолардан бири эди. Бу йил илк бор ушбу масалани ҳал қилиш учун «Хавфсиз мактаб» лойиҳасига бюджетдан 5,9 миллиард тенге ажратилди. Бу йўналишда таълим муассасаларида хавфсизлик кучайтирилди, тегишли ишлар юритилмоқда, – деди вилоят раҳбари Д. Сатибалди брифингда.

Хусусан, вилоятдаги 908та мактабда 7100 видеокамера,

284 мактабда (700дан ортиқ ўқувчига эга мактаблар) турникет, 193та мактабда 106 минг кв.м. тўсиқлар ўрнатилди. 573 мактаб касбий хавфсизлик хизмати билан таъминланган. 937та (908 мактаб, 29 махсус муассаса) давлат таълим ташкилотларида жадал сигнал берувчи тугма ўрнатилди.

119 мактабнинг санитария-гигиена тармоғи янгиланди. Президент топшириғига биноан 1-4-синф ўқувчиларини бепул иссиқ овқат билан таъминлаш ва давлат мактаблари хавфсизлик хизмати масаласи тўлиқ ҳал этилди.

“ХАВФСИЗ МАКТАБ” – БОЛАЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ



ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР

Вилоят ҳокимлигида ҚР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясига қабул қилиш қоидаларини тушунтириш мақсадида Академия ректори Ерлан Қуаниш минтақанинг ёш давлат хизматчилари билан учрашди. Тадбирга вилоят ҳокими девони раҳбари Е. Алимқулов раислик қилиб, кадрлар салоҳиятига тўхталди.



– Бугунги кунда вилоятда Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев қайд этган меритократия тамойилига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил ички танловлар натижаларига кўра давлат хизматчиларининг 69 фоизи, яъни 83 киши юқори лавозимларга тайинланди. Шунингдек, минтақада кадрлар салоҳияти юқори даражада. Давлат хизматчиларининг 95 фоиздан зиёди олий маълумотли, шу жумладан, “Болашақ” дастурининг 12 битирувчиси, Президент Давлат бошқаруви Академиясининг 25 битирувчиси вилоятимизда фаолият юритмоқда. Бу тажрибали кадрлар мавжудлигини кўрсатади ва ёш, ўқимишли давлат хизматчиларига берилган катта имкониятдир, – деди Еркеғали Алимқулов.



Тадбир давомида Департаментлар уйи биносидида «Давлат хизматчилари» музейи очилди. Уни очиш гоёси – давлат хизмати соҳасидаги ютуқларни ва замонавий технологияларни ривжолантириш жараёнини намоиш этиш орқали ўтмишни билиш ва келажакни тушунишга йўл очишдир.



МУҚАДДАС КИТОБ ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номли марказий масжидда маънавий аҳамияти залворли тадбир ўтди. Унда Қувайт мамлакатининг ҚРдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ўмар Ахмет Ал-Қандари, вилоят ҳокими девонининг раҳбари Еркеғали Алимқулов, Қозоғистондаги халқаро Ислом хайрия уюшмасининг директори А. Мухаммад Али, ҚМДБнинг вилоят бўйича бош имоми Е. Тўлепов, вилоят диний ишлар бошқармаси раҳбари Р. Сабиржанули, ҚМДБга қарашли хайрия муассасаларининг директорлари, шаҳар, туман бош имомлари иштирок этди.



Муҳим учрашувда девон раҳбари Еркеғали Алимқулов тадбирнинг моҳиятига тўхталиб, азиз меҳмонларга вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг миннатдорчилигини етказди.

– Муқаддас Туркистон шаҳрига хуш келибсиз! Туркистон – асрлар давомида туркий оламнинг маркази бўлган. Бугунги кунда муқаддас Қуръонни ёд олишга ихлосманд фуқаролар сафи кенгайиб бормоқда. Шу боис, 1600 донга қозоқ тилидаги Қуръон, 10 минг донга “Муаллим соний” китобларини вилоят имомларига тақдим этишни ният қилган Қувайт давлати элчихонасига, Халқаро Ислом хайрия уюшмасининг Қозоғистон Республикасидаги ваколатхонасига миннатдорчилик билдирамыз. Икки давлат ўртасидаги ҳамжихатлик янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшаверайлик, – деди девон раҳбари.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон вилоят маслаҳати раисининг ҚАРОРИ

2023 йил 1 декабрдаги № 4-Ш қарори

САККИЗИНЧИ ЧАҚИРИҚ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИНИНГ НАВБАТДАГИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

2001 йил 23 январдаги “Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-модда 2-бандига мувофиқ, вилоят маслаҳатининг навбатдаги еттинчи сессияси 2023 йил 13 декабрь кунини соат 16.00да Туркистон шаҳрида чақирилсин.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

Вилоят маслаҳатида

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТ МАСЛАҲАТИ ДЕПУТАТЛАРИ ВА ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

“Қозоғистон Республикасида маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида” Қозоғистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига мувофиқ, саккизинчи чақириқ Туркистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги еттинчи сессияси 2023 йил 13 декабрь кунини соат 16.00да вилоят ҳокимлиги биносидида ўтишини маълум қиламан.

Манзил: Туркистон шаҳри, Янги шаҳар кичик тумани, 32-уй, 18-бино (1-қаватдаги мажлислар зали).

Депутатлар ва чақирилганларни рўйхатга олиш 13 декабрь кунини соат 15.00дан зал фойесидида юритилади.

Сессия муҳокамасига қўйиладиган масалалар:

- Туркистон вилояти полиция департаментининг Туркистон вилоятида жамоат хавфсизлиги ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашга доир бажарган ишлари тўғрисида;
- 2024-2026 йилларга мўлжалланган вилоят бюджетини тўғрисида;
- “Туркистон вилоятининг 2021-2025 йилларга мўлжалланган тараққиёт дастури тўғрисида” Туркистон вилоят маслаҳатининг 2020 йил 31 декабрдаги №55/576-VI қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида;
- Туркистон вилоятининг ветеринария бошқармаси раҳбарининг бошқарма зиммасига юкланган вазифалар ва мажбуриятлар ижросига доир ҳисоботи;
- Вилоятда урани қайта ишлашга ажратилган ер участкалари, экологик вазият ҳамда қорхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ажратилаётган тўловлари тўғрисида;
- Туркистон вилоятининг аҳоли манзилларини табиий газ билан таъминлаш масаласи;
- Туркистон вилоятининг таълим муассасалари тавсия қилган билим бериш хизматларининг сифатини таъминлашга доир тадбирлар тўғрисида;
- Вилоят ер комиссиясининг таркибини тасдиқлаш тўғрисида;
- Туркистон вилоятининг айрим аҳоли манзилларини тарқатиш тўғрисида;
- Жетисай туманидаги айрим аҳоли манзилларини тарқатиш тўғрисида;
- Туркистон вилояти, Чордара туманидаги айрим аҳоли манзилларини тарқатиш тўғрисида;
- Арис шаҳрининг баъзи кўчаларига ном бериш ҳамда қайта номлаш;
- “Фуқароларнинг алоҳида тоифаларига амбулаториявий даволаш доирасида бепул дорилар, махсус даволаш воситалари ҳамда тиббий буюмларни қўшимча бериш тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2021 йил 12 апрелдаги 5/48-VII сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида;
- Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрь 30/329-VI сонли “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги террорчиликка қарши комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги 30/330-VI сонли “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатлар масаласи бўйича комиссиянинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 28 сентябрдаги 30/331-VI сонли “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича идоралараро комиссиянинг шахсий таркиби тўғрисида” қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги балоғатга етмаганлар иши ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2019 йил 13 сентябрдаги 42/449-VI сонли қарорига қўшимчалар киритиш тўғрисида;
- “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги ногиронлар иши бўйича кенгашнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2018 йил 12 декабрдаги 33/352-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- “Туркистон вилоят ҳокимлиги қошидаги таҳлил-тадқиқот комиссиясининг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида” Туркистон вилоят маслаҳатининг 2018 йил 12 декабрдаги 33/353-VI сонли қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- “Туркистон вилояти бўйича атроф-муҳитга зарар етказгани учун тўлов ҳақи миқдорлари тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2023 йил 11 сентябрдаги 5/73-VIII сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- “Туркистон вилояти бўйича ижтимоий аҳамиятга молик муносабатлар рўйхатини белгилаш тўғрисида” вилоят маслаҳатининг 2019 йил 9 декабрдаги 44/477-VI сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- Туркистон вилоят маслаҳатининг 2024 йилга мўлжалланган иш режаси тўғрисида;
- Туркистон вилоятининг маслаҳати ҳамда унинг девони хизмати таъминлашнинг 2024 йилга мўлжалланган харажатлар сметаси тўғрисида.

Сессияга келиб тушган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

Н. АБИШОВ,
вилоят маслаҳати раиси.

ТУРКИСТОН-ҚАРНОҚ ЙЎЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Вилоятимизда “Туркистон-Қарноқ” автомобиль йўли фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбасари Зулпихар Жўлдасов, вилоят йўловчилар ташиш ва автомобиль йўллари бошқармаси раҳбари Қўатжан Жуматаев янги иншоотни кўздан кечирди.

Бу йўл вилоят маркази Туркистон шаҳрини Бирлик, Қорачиқ, Чипон, Югнак, Шекербулақ, Қарноқ аҳоли манзиллари орқали Кентов шаҳри билан боғлайди.

Эндиликда Туркистон ва Кентов шаҳарлари ўртасидаги тирбандлик камаяди. Таъкидлаш жоиз, эзгу тадбир “Шымкентдорстрой” МЧБ томонидан амалга оширилган.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

»» Обуна – 2024

МАНКЕНТ ҚИШЛОҒИДА ОБУНАЧИЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЯДИ

Сайрам туманининг Манкент қишлоқ ҳокимлиги бош мутахассиси Ўлмас Сафоев билан учрашувимиз “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 2024 йил биринчи ярми обунасини ташкил қилиш масаласига бағишланди.

Жумладан, қишлоқдаги Алишер Навоий, Алия Мўлдағулова, Ал-Форобий, Хожа Аҳмад Яссавий каби хусусий мактаблар, шунингдек, “Ет-Агро Манкент” ИЧШга ташрифимиз самарали бўлди. Мазкур жамоалар нашр обунасига имкон қадар ўз ҳиссаларини қўшадиган бўлишди.

Таниқли қурувчи, меҳнат faxрийси ва фаол жамоатчи Омонулла Бекжонов ҳамроҳлигида “Ойша биби”, Ш. Рашидов номли, “1-май” мактабларида бўлди.

– “Жанубий Қозоғистон” – республикамызга тарқаладиган ягона ўзбекзабон давлат газетаси. Уни



ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз жоиз. Газета ҳар бир хонадонга кириб бориши зарур, – дейди Омонулла Исмаилов ўғли.

Обунани уюшқоқли ташкил қилган мазкур таълим масканларининг раҳбарлари Шопўлат Бойменов, Нозим Тўрақулов ва Файзулла Иброҳимовларга миннатдорчилик билдирамыз.

3. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирда: (ўнгдан чапга) меҳнат faxрийси Омонулла Бекжонов, Ш. Рашидов номли мактаб директори вазифасини вақтинча бажарувчи Нозим Тўрақулов, директорнинг касбий йўналиш бўйича ўринбосари Камолиддин Анорметов, газетамизнинг Сайрам тумани бўйича махсус мухбири Зокиржон Мўминжонов.

»» Обуначиларимиз орасида

КЕЛГУСИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДАН



Туркистон шаҳрининг Бирлик кичик туманида ўтган йили мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган “АРМАН-М” умумтаълим мактаби директори муовини Шоира Анорбоева ва кутубхона мудираси Ғўзал Отаеваларнинг (тасвирда) мулоқот чоғида дарсликлар масаласидаги саволларига “Жанубий Қозоғистон” таҳририяти саъй-ҳаракатлари билан Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамяти раиси Икромжон Ҳошимжоновнинг ҚР Таълим вазири Ғани Бейсембаева ғзма равишда мурожаат этиб,

эндиликда амалий жавоб қутилаётганлигини маълум қилдик.

Жорий ярим йилликда Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси бошқаруви фаоллари ташаббуси – ҳомийлигида мактабга 50 нусха “Жанубий Қозоғистон” газетаси етказиб берилмоқда. Суҳбатдошларимиз келгуси ярим йилликдан эътиборан, мактаб жамоаси 50 нусха газетага обун бўлишини маълум қилишди.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ШЕЪРИЯТГА ОШУФТА ҚАЛБ



Орис қишлоғида жойлашган Худойберган Ҳайтенов номидаги хусусий мактаб фаолиятини бошлаганига эндигина уч йил бўлса-да, республикамызда кўзга кўринган хусусий илм масканларидан бирига айланиб улгурди. Билим даргоҳида таълим олаётган уч юздан зиёд ўқувчи туман ва вилоят олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаётганлиги қувонарли ҳол. Мактабда фан ҳафталикларининг юксак савияда уюштирилаётганлиги болаларда билим олишга иштиёқнинг ортишига сабаб бўлмоқда.



Ўтган ҳафтада ўтказилган ўзбек тили ва адабиёти ҳафталиги якунида «Шеърятга ошфута қалб» мавзюида ажойиб кеча ўтказилди.

Тадбирга маҳаллий ижодкорлар П. Абдуазимова, А. Абуғафоров, Соатой Камол қизи, Гули Осиев, С. Зиёбековалар таклиф қилинди. Аълочилар ўқувчилар Я. Грейева, И. Равшанбекова, Л. Султонова, И. Абдувалиев, А. Абдужалилов, С. Абдурашидов, Н. Юсанова, Г. Исаевалар ижодкорларнинг шеърларини маромига етказиб, ёд олишди. 9-“А”, 9-“Б” синф ўқувчиларининг баҳру байт айтишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Шоирлар Гули Осиев ва С. Зиёбекова ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди ва мактаб кутубхонасига шеърли тўпламларини тақдим этишди. Билим даргоҳининг қисқа вақт

мобайнида шундай ютуқларга эришишда ўз касбининг моҳири, билимдон, ташкилотчи раҳбар Ж. Серғалиевнинг ҳиссаси салмоқли эканлиги аяққол сезилади.

Тадбир сўнггида сўзга чиққан тадбиркор Р. Ҳайтенов, муаллим А. Тожиёвлар мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари И. Аҳмедов, Н. Нортоева, А. Абдиқонова, И. Абдиқодирова, Ш. Қўшоновалар меҳнатини юксак баҳолаб, уларга чексиз миннатдорчилик изҳор этиди.

Бадий сўз устаси И. Аҳмедов олиб борган тадбир мактаб жамоаси, ўқувчилар ва ижодкорлар қалбида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

Сайёра ЭРҒАШБЕК қизи.
Сайрам тумани.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

»» Маънавият ва маърифат

ОТА-ОНА ЗИММАСИДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ



Ойбек номли 14-сонли умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган Ота-оналарни педагогик қўллаб-қувватлаш марказининг навбатдаги йиғилиши ўтди. Унда ота-оналарга “Боланинг бош устози – ота-она” мавзюидаги семинар ҳамда “Ақл айтма, йўл кўрсат” деб номланган тренинг ўтказилди.

Тадбирда ота-оналар ва мактаб ўртасида тигиз алоқани ўрнатиш мақсадида Ўзбекили Жанибеков номидаги ЖҚПУ, Ўзбекили Жанибеков марказининг раҳбари, филология фанлари номзоди Э. Ўразбаева, мазкур университетнинг тарбия ва ёшлар сиёсати департаменти директори, тарих фанлари номзоди Қ. Анорбоев, Туркистон вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раисининг ўринбосари, журналист Г. Расулова иштирок этишди. Сўзга чиққанлар фарзандларни истиқболи порлоқ бўлишини истаган ота-она улар олдидаги масъулиятини сидқидилдан бажариши лозимлиги, шу билан бирга, уларнинг руҳиятидаги ижобий ва салбий ўзгаришларга ҳам бевосита таъсир ўткази олишлари ва ҳар томонлама назоратни зиммаларига олиши муҳимлигига алоҳида ургу беришди.

Мулоқот чоғида ота-оналар ҳам мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволларни беришди. Вазиятга доир саҳна асарлари намойиш этилди. Ота-оналар фикр-мулоҳазаларини асослаб беришга ҳаракат қилишди. Шу билан бирга тадбирда “Болага бўлган меҳр-мурувват” номли руҳий ўйин ўтказилди. Ундан мақсад – ҳар бир оила фарзанд тарбиясида фаол иштирок этиши муҳимлигини англаб етиш. Бола инсоний фазилатларни

ўзида шакллантириб, уларни янада такомиллаштириш ва бу мақсад йўлида ўқитувчилар ота-оналар билан ҳамкорликда фаолияти дастурини ишлаб чиқиш муҳим. Мактаб, ота-она, устоз ҳамкорликда сифатли билим, маънавият юксак, соғлом авлод тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш ва бу йўлда ғайрат қилиш айна муддао.

Йиғилишда сўзга чиққан мактаб директори Гаухар Байбўсинованинг айтишича, мактабдаги тарбия ишининг самарадорлиги ота-оналар ҳамда мактабнинг ҳамкорлигидаги фаолиятига боғлиқ ва шундай фаолликни сақлаб қолиш ўқувчи ҳаётига ижобий таъсир ўтказиши аниқ. Мактаб ва оиланинг ҳамжиҳатлиги йўлида синф раҳбарининг ўрни ҳам улкан. Муаллим ва ота-оналар ўзаро муносабатидидаги мажбуриятларнинг энг асосийси – руҳий-педагогик билимларни пухталашдан иборатдир.

Тадбирда иштирок этган ота-оналар фарзандларида шаклланишини истаган фазилатлар, аввало, ўзларидаги ижодий, ақлий салоҳиятларида акс этиши ва камол топиши лозимлигига амин бўлишди.

Озода ИРИСКУЛОВА,
Шимкент шаҳар Ойбек номли 14-сонли умумтаълим мактабининг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари.

МАЪНАВИЯТ – ҲАЁТНИНГ ГУЛТОЖИ!

Шўро замонида катта-катта китоб дўконлари ҳатто кичик қишлоқларда ҳам бўларди. Шўролар давлати Ер юзида энг кўп китоб ўқийдиган халқ билан фахрланарди. Минглаб газета ва журналлар чоп этиларди. Ҳар ким ўз тилида газета ва журналлар ўқишга имконияти бор эди.

Ўзбеклар Ўзбекистоннинг юзлаб газет ва журналларига обун бўлишарди. Масалан, «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Муштур», «Саодат», «Гулхан», «Ғунча», «Ёшлик» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси кириб борманган хонадон деярли йўқ эди. Бу нашрлар ёшларимизни юксак маънавият асосида тарбиялашга катта ҳисса қўшарди. Истаган одам чўнтагига 10 сўмни солиб олиб, Тошкентга борарди ва оиласига совғасаломлар олиб қайтарди, улар орасида албатта, ноёб китоблар ҳам бўларди. Чегарада эса ҳеч ким «кимсан, қаёққа кетяпсан?» деб сўрамасди. Мактабни тугатиб, Тошкентга ўқишга борадиганларнинг саногига етолмас эдингиз. Ҳозир эса китоб ноширларининг ҳам мазаси йўқ. Ўзбек тилида Туркистон вилоятида қиёётган «Жанубий Қозоғистон» газетасига обун бўлишни ўзига эп кўрмайдиганлар кўпаяётгани сир эмас, улар туфайли нашр адади ҳатто 15000 нусхага кўтарилмаяпти. Бу – ёшларимизнинг маънавиятини шакллантиришда кўп нарсани бой бериб қўяётганимиздан далолат эмасми?

Мустақил юртимизда ҳар бир миллат вакили ўз маданияти, урф-одатларини сақлаб қолиши учун барча имкониятлар яратилган. Лекин, миллатдошларимиз хануз бир ёқадан бош чиқариш сўзининг маъносини чуқур англаб етмаяпти. Орамызда «мен ўзбекча газета ўқимайман, мен учун русчаси яхши» деб кўкравга урадиганлар бор ҳали, бунга нима дейсиз? Навоий бобомиз:

*Эл нештиб толгай мениким,
Мен ўзимни топмасам,
деган сатрларида нимани назарда тутган?*

Биз ўзимизни топмасак, ўзини топган кишини тополмаслигимизни айтган. Киши ўзгалардан истайдиганини, даставвал, ўзидан изламоғи кераклигини айтган. Бу хусусда Навоий дейди:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдан истагил.
“Ёшлик” журналида шундай фикрлар битилибди: “Шоир Эркин Воҳидовнинг гувоҳлик беришича, домла Миртемирдек закий шоир Навоийни тўлиқ билмагани учун ҳазратнинг ҳайкалларидан уялар экан. Бунун пойтахтимизда савлат тўкиб турган бобомиз ҳайкали қошига ҳар куни ўнлаб келин-куёвлар боради. Ана шу ташриф этаётганлар кимнинг пойига келганини англайдиларми? Шу ҳайкал соҳибининг жиллакурса битта ғазалини ёд биладиларми? Агар билмаса, ҳеч бўлмаганда ўзларида уялиш ҳиссини туядиларми?*

Ҳа, ана шундай оғриқли саволлар қаршисида қолар экансан, беихтиёр улуг бобомиз олдида қанчалик уятли ҳолда эканлимызга иқдор бўласан киши!

Келажақ авлод олдида барчамиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Тилнинг йўқолиши – халқнинг йўқолиши. Навоий бобомиз даврдан буён ривожланиб, юксак чўққиларни забт этган тилимизнинг йўқолишига йўл қўйишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз.

»» Қозоғистон Мустақиллигига – 32 йил

Инсондаги энг олий туйғу – Ватан туйғусидир. Ўзи туғилиб-ўсган она юртини жон қадар севадиган, ўзга юрт табиятидан ўз юрти табииatchилик завқ ололмайдиған, диёридаги катта-кичик ютуқлардан фахрланадиган, бутун ақл-заковати, қалб кўри, куч ва имкониятини шу жамият ва табият гўзаллиги ривожига бахшида эта олган инсондагина бу туйғу намоён бўлади.

Ватанпарварлик – ўз Ватанига меҳр қўйишдан иборатгина эмас. Бу жуда буюк ҳис... Бу Ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.

Қозоғистон Республикаси мустақилликка эришиб, юртимизда давом этаётган моддий ва маънавий тараққиёт асосида тинчликни сақлаш, иқтисодийни ривожлантириш ва халқимиз турмуш даражасини юксалтириш борасида улкан натижаларга

ВАТАНИМ – ФАХРИМ



эришди. Ҳар бир баркамол инсон Ватан камолоти ва истиқболи, эл-юртнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, ҳатто жонини ҳам аямайди. Бу ҳақда мавлоно Ғузулийнинг, “Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим”, деган сўзлари ҳар биримиз учун бебаҳо ўғитдир.

Истиқлол – бирор юрт ўз ҳуқуқига эга бўлиб, ҳур-озод ва бахтли ҳаёт кечириш каби кўп маъноларни ўзида мужассам этган, инсоният учун муҳим омилдир. Биз мана 32 йилдики, шу бахтга Яратганнинг иродаси ва халқимизнинг шукронаси эвазига эга бўлиб турибмиз.

Қозоғистон Республикасининг асо-

сий миллий байрами – Мустақиллик кунидир. Ушбу байрам 16 декабрь куни кенг ва ранг-баранг шаклда нишонланади. Миллий байрам дўстлик ва ҳар томонлама эҳтиромга таянган халқимизнинг барча орзуларини намоён этадиган шодиёнадир.

Ушбу байрам давлатимизнинг ҳар бир бурчагида муносиб нишонланади. Жумладан, бизнинг Тўлебий туманидаги Ал Форобий номли мактабимизда ҳам ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида тантанали равишда нишонланади. Бундай тадбирлар ўқувчиларимизни ўз она Ватанига муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим омилдир. Мактабимизда Мустақиллик кунига аталган турли тадбирлар ҳозирданоқ бошланиб кетди.

Наргиза ЎТЕПОВА,
Ал Форобий номли умумий ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

»» Қардошлиқ ришталари

Ҳ. ТОЖИЕВ: «МАНКЕНТ» ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ ТУРКИЯДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ»

Бизнинг маълумот: Ҳамидулла Тожиев 1986 йил 19 августда Сайрам туманининг Манкент қишлоғида дунёга келган. У Ш. Рашидов номи ўрта мактабда, сўнг Аҳмад Яссавий номидаги Халқаро қозоқ-турк университети Шимкент институти, Ал-Форобий номидаги Қозоқ миллий университетиди тахсил олган.

Меҳнат фаолиятини Жанубий Қозоғистон вилояти ҳокимлигининг «Қазығұрт» илмий-тадқиқот марказида катта илмий ходимликдан бошлаб, турли йилларда вилоят ҳокимлигининг «Тарихий-маданий меросни ҳимоялаш, қайта тиклаш ва фойдаланиш маркази» бўлими, шунингдек, «Рухани жаңғыру» лойиҳалар марказининг «Рухани қазына» лойиҳаси раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

У 2021 йили «Қозоқ-ўзбек халқлари адабиётида диний-маърифий гоёларнинг бадиий тасвири» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олган.

Бугунги кунда М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети филология факультети «Қозоқ тили ва адабиёти» кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Ўзбек, қозоқ, рус, турк,



қўлёзма фондлари билан яқиндан танишиш, Олтин Ўрда даврида ёзилган «Қисас ул-анбий», «Муъин ул-мурид», «Наҳж ул-фародис», «Сирож ул-қулуб» каби ёзма ёдгорликларнинг нусхаларини ва уларга тааллуқли тадқиқот ишларини ўрганиш эди. Туркияда муқаддам бир неча мартаба хизмат сафариди бўлганман.

– **Таассуротларингиз қандай?**

– Сафаримиз жуда қизиқарли ўтди. Дастлаб Истанбулнинг Фотиҳ туманидаги Ислоом тарихи, санъати ва маданияти бўйича тадқиқот маркази (IRCICA) кутубхонасида Олтин Ўрда даври билан боғлиқ тадқиқотларни таҳлил қилдик. Бу ерда бизни тарихчи ва олим, профессор Аширбек Қурбонули кутиб олди ва марказ фаолияти билан яқиндан таништирди. Шунингдек, марказ-

дея оламиз.

– **Туркия олимларининг Қозоғистон ҳақидаги фикрлари қандай?**

– Албатта, турк биродарларимизнинг Қозоғистон халқига бўлган алоҳида эътиборини таъкидлаш жоиз. Улар бизни ўз биродаридек кўришади, юртимизга хурмати жуда баланд.

Хабарингиз бор, ўтган йили «Манкент» илмий-оммабоп энциклопедияси нашрдан чиққан эди. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдирахим Пратов Ўзбекистонда ушбу китобнинг тақдимотини ўтказиб, кенг жамоатчилик, шунингдек, ўша жойда яшовчи ҳамюртларимизга таништирди. Биз ҳам бу хайрли ишнинг давоми ўлароқ, сафардан унумли фойдаланиш ниятида, мазкур китобдан бир нечасини олиб кетгандик. Энг аввало, IRCICA маркази ва Истан-



араб, инглиз тилларини ўзлаштирган. «Қазыналы Оңтүстік» мега лойиҳаси доирасида 30дан зиёд адабий асарларни қозоқ тилига ўғириб, нашрга тайёрлаган. Қозоғистон ўзбек этномаданият бйлашмалари «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги илмий кенгаш аъзоси, «Рухани жаңғыру» дастури бўйича Туркистон вилоятининг алоҳида аҳамиятга эга маданий ёдгорликларига «QR код» ўрнатиш бўйича лойиҳа раҳбари, ўқув қўлланмалари ҳамда 20дан зиёд илмий тадқиқотлар муаллифи.

Ҳ. Тожиев яқинда Туркия давлатида хизмат сафариди бўлиб қайтди. Мухбиримиз у билан учрашиб, ижодий сафар таассуротлари ҳақида сўради.

– **Ҳамидулла Ҳабибулла ўғли, суҳбатимиз аввалида Туркия давлатига сафарингизнинг мақсади билан таништириб ўтсангиз.**

– Хабарингиз бор, бугунги кунда М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети «Олтин Ўрда ва XX аср бошидаги қозоқ адабиёти: маънавий уйғунлик ва аъналариди давомийлиги» лойиҳаси доирасида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида Туркия Республикасининг Истанбул шаҳрига хизмат сафари режалаштирилган эди. Мақсад – Истанбул шаҳридаги

нинг кутубхона фонди билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик. Сафар чоғида шу кунгача анчагина ишлар қилинган бўлса-да, ҳали қилинадиган ишлар кўп эканига ишонч ҳосил қилдик. (Дарҳақиқат, профессор А. Мўминов билан шу мавзудаги суҳбатимиз youtube каналида эълон қилинди).

Сафар мобайнида «Сулаймония» ва «Боязид» қўлёзма фондида ҳам бўлдик. Бу ерда биз юқорида тилга олинган ёзма ёдгорликларнинг турли нусхалари билан танишдик.

Шунингдек, Истанбул университетининг Евроосиё тадқиқот институти «Туркунослик» маркази, Адабиёт факультети марказий кутубхонаси ва Халқаро ISAM (Ислоом тадқиқот маркази) кутубхоналарида бўлдик. Туркийшунослик марказида таъкид қозоқ олими, профессор Ўраз Сапашев маҳаллий олимлар билан алоқа боғлашимизда катта ёрдам берди.

Халқаро семинарларда иштирок этиб, ўзимиз ҳам Истанбул университети талабаларига турк тилида маърузалар ўқидик. Турк олимлари билан илмий ва ижодий учрашувларимиз сермазмун ўтди. Улар томонидан олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар келгуси изланишларимизда янги гоёларга сабабчи бўлади

бул университети олимларини энциклопедия билан таништирдик. Профессорлар – Аширбек Қурбонули, Ўраз Сапашули ҳамда Кас-тамону университети профессори Аҳмад Шимшеклар катта қизиқиш билдиришди. Айниқса, Манкент қишлоғининг муқаддас байроғи ва маҳаллий аҳолининг урф-одатлари ҳамда халқ оғзаки ижоди ҳақидаги мақолалар турк олимларининг диққат-эътиборини жалб этди. Ўйлаймизки, миллатимиз тарихи ва маданиятини қардош давлатларда танитиш ишлари давом этади.

Умуман, келгусида туркийшунос олимлар билан яқин ҳамкорликда илмий изланишлар олиб боришни режалаштирганмиз. Жумладан, бу йўналишда бизга ёрдам бераётган профессор Неждет Тўсун, доктор Енвер Капаган, профессор Аҳмет Ташгин, Мустафа Дил, ўзбекистонлик профессорлар Нодирхон Ҳасан ва Ҳамидулла Болтабоев, доцент Отабек Жўрабоев, фан доктори Анвар Бўронов ва Завқиддин Сувоновларнинг номини алоҳида таъкидлаш мумкин.

– **Суҳбат учун ташаккур! Илмий изланишлар борасида сизга ижодий зафарлар тилаймиз!**

З. МҮМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.

»» Миллатлараро тотувлик – бойлигимиз!

ЎЗБЕКИСТОН – БАҒРИКЕНГ ДИЁР

Жорий йилнинг 11-18 ноябрь кунлари Навоий вилоятида «Бағрикенглик ҳафталиги» юқори савияда ташкил этилди. Ҳафталик доирасида вилоятдаги миллий маданий марказлар ва ёшлар вакиллари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ходимлари иштирокида «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзусида тадбирлар ўтказилди.



– Бугунги кунда Навоий вилоятида қарийб 40 минг нафар қозоқ, 24 минг нафар қорақалпоқ, 14,5 минг нафар тожик ва бошқа миллат вакиллари тинч-тотувликда истиқомат қилишади, – дейди биз билан суҳбатда Навоий вилояти ҳокими ўринбосари Элёр Рўзиев.

Шунингдек, умумтаълим мактабларининг 66тасида қозоқ, 5тасида тожик, 3тасида қорақалпоқ ва 21тасида рус тилида таълим берилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев қарорига асосан олис чўл ҳудудлари саналимиш Учқудук, Томди ва Қонимех туманларида истиқомат қилаётган аҳоли фарзандлари учун олий таълим мусасаларига ўқишга кириш борасида имтиёзлар берилган.

Ҳозирги кунда вилоятда 9та конфессия, 13та черков ва 81та масжид фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 10та миллий маданий марказда турли миллат вакиллари ўз аънава ва қадриятларини улуғлаб келишмоқда.

молга эга бўлдим. Фаолиятимни шу ерда бошладим.

Ҳозир шаҳардаги 13-сонли умумтаълим мактаби директори-ман. Мактабимизда етти миллат вакиллари ишлаб, ёшларга таълим-тарбия беришади. Уларнинг фаолияти учун барча шароит муҳайё. Ҳамма тенг ҳуқуққа эга. Улар юртимиздаги имконият ва имтиёзлардан бирдек фойдаланади. Энг муҳими, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Шу юрт ривожини ва халқ фаровонлигига ўз ҳиссамини қўшаётганлигимдан фахрланаман».

Шу кунини ушбу турдаги тадбир вилоятнинг Зарафшон шаҳрида жойлашган «Юлдуз» маданият марказида ҳам ўтказилди. Унда шаҳар ҳокимияти, маънавият ва маърифат бўлими раҳбарияти, дин ишлари бўйича мутахассислар, оммавий ахборот воситалари, миллий маданий марказлар, умумтаълим мактаблари ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Ҳафталик доирасида вилоятдаги барча умумтаълим мактаб-



Шу муносабат билан 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28-сессиясида қабул қилинган «Бағрикенглик тамойиллари декларацияси» кунини арафасида вилоят миқёсида «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзусида маънавий тадбирлар, кўргазмалар, иншоолар ва расмлар танлови, шеърхонлик кечалари, илмий-амалий ва маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

Жумладан, вилоят «Ширин» маънавият ва маърифат марказида ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда миллатлараро дўстлик ва тотувлиқни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, миллий маданиятлар, урф-одат ва аънаваларнинг ўзига хослиги хусусида сўз юритилди. Ушбу тадбирда фаол миллий маданий марказлар раҳбарлари вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шунингдек, тадбир давомида Навоий шаҳар Қозоқ миллий маданий маркази раҳбари Ажаргул Усмонова журналистлар учун музохаба берди:

«Юртимизда бошқа миллат вакиллари ўзбеклар билан тенг шароитда, яратилаётган имконият ва имтиёзлардан фойдаланган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Гарчи ўзим қозоқ миллатига мансуб бўлсамда, Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан, шу жаннатноманд диёрда туғилиб-вояга етганлигимдан фахрланаман. Ўзим педагогман. 36 йилдан буюн Навоий шаҳрида истиқомат қиламан. Шу ерда олий маълу-

ларида «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзусида кўргазмалар, иншоолар ва расмлар танлови, шеърхонлик кечалари ташкил этилди.

Жумладан, Навоий шаҳридаги 13-сонли ўзбек-рус мактаби, Зарафшон шаҳридаги 9-сонли ўзбек-қозоқ мактаби, Навбаҳор туманидаги 26-сонли умумтаълим мактаби ва Қизилтепа туманидаги 13-сонли умумий ўрта таълим мактабида ушбу ҳафталикни кенг нишонлаш мақсадида вилоятда яшовчи турли миллат вакиллари миллий либослари ва таомлари кўргазмаси ўтди.

Бундан ташқари, Хатирчи туманидаги Навоий номидаги Педагогика коллежида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси томонидан «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзуларида тарғибот тадбирлари ўтди. Тадбирда ҳозирда Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, диний соҳадаги ислохотлар, қолаверса,

интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган мафкуравий хатарлар ва уларни олдини олиш масалалари, республикада ёшларга, хотин-қизларга берилаётган имкониятлар тўғрисида таъкидлаб ўтилди. Сўзга чиққан маърузачилар томонидан «Ўзбекистон – бағри кенг диёр» мавзусида ушбу мамлакатдаги бағрикенглик ва инсонпарварлик тамойиллари асосида тинчлик, тотувлиқни мустаҳкамлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Бағрикенглик ҳафталиги доирасида Навоий шаҳрида Навоий вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Туризм қўмитаси ва Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси ҳамкорлигида илк бор «Navoi national food fest» миллий таомлар фестивали ўтказилди, – дейди Элёр Эрдонович.

– Ушбу фестивалда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган турли миллат ошпазлари ҳамда пазандалари ўзларининг маҳоратларини намойиш этди. Ҳар бир ҳудуд томонидан ташкил этилган павильонларда фольклор жамоалари томонидан ўзбек, қозоқ, рус, тожик, татар, корейс ва бошқа миллат урф-одатлари, ўлан ва миллий қўшиқлари тараннум этилди. Ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси эса барчада катта таассурот қолдирди. Махсус ажратилган майдонда туман ва шаҳарлардан келган маҳоратли ошпазлар ўз ҳудудларига хос ҳамда мос таомларни тайёрлади. Таомларнинг таъми, кўриниши ва безатилиши халқаро тоифадаги ҳакамлар – Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси бош технологи Толибжон Умаралиев ва турк ошпази Мустафа Алжабен томонидан баҳолаб борилди.

– Навоийга келаётганда иштирокчилар бизга қандай таомлар тайёрлаб беришаркан? Навоийнинг брендга айланган таомлари борми? Қанақа таомларни кашф этарканмиз? деган саволлар ўйлантирган эди, – дейди Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси бош технологи Толибжон Умаралиев. – Лекин келиб кўрдикки, бу ҳудудда ҳам турли миллат вакиллари, шу жумладан, қозоқ ва тожик миллатларининг ўзига хос ва мазали таомлари кўп экан. Навоий вилояти республикамизда бугунги турли миллатлар миллий таомлари фестивалини бошлаб берган дастлабки минтақа бўлди. Ушбу тажрибани, албатта, бош-



қа вилоятларга ҳам тарқатамиз. Бу борада ўз тақлифларимизни Туризм қўмитаси ва Вазирлар Маҳкамасига бердик. Бугун вилоят ҳокими билан келишган ҳолда Навоий вилояти миллатлари миллий таомлари китобини чиқаришга қарор қилдик.

Бундан ташқари, Навоий вилоятида жойлашган истироҳат боғлари ва маданият масканларида концертлар, қадрдош халқлар ёзуви, шоирлари ва рассомларининг бадиий асарлари кўргазмалари, турли миллат вакиллари миллий таомлар фестивалини ташкил этиш, Навоий шаҳридаги «Маънавият ва маърифат» марказида «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзусида фотоқўргазма ва маънавий-маърифий тадбирини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда тегишли масъуллар томонидан амалий ишларга киришилди.

Бобур ҲАСАНТОВЕВ.

О Астанада Қозоғистон ноғиронлар ҳамжамиятининг «Жан Шуақ» жамоат муқофоти лауреатларини тақдирлаш маросими ўтди.

»» Обуначиларимиз орасида

ИБРАТЛИ ТҲЙ, ШОНЛИ ТАРИХ ВА МАЪНАВИЯТ



Чога кишлоқ ўзбек этно-маданият бирлашмаси раиси Одилхўжа Меҳмонхўжаев неварасини Қарноқ кишлоғидаги ажойиб хонадонларнинг бирига келин қилиб узатди.

Қадрдон қудалар бамаслаҳат тўйни ичкиликсиз, замонавий тарзда ўтказишди. Туркистон шаҳридаги “Турки-

стон” тўйхонасида келин-куёв Райимжон ва Зиёдаларни элга хизмати билан танилган болалари Одилхўжа, Абдумуталиб, опалари Муҳаббат, Меҳринсо, таниқли санъаткор Файзулла Мирзахмедов, қадрдон қудалар Айтжон Усмон ўғли, Барно Иброҳим қизи, Зафар Абдумуталиб ўғли, Гулчехра Одилхўжа қизи му-

боракбод этиб, самимий ниятларини изҳор этишди. “Бобир Мирзо” гуруҳи санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар даврага фойз киритди. Тўйларни мана шундай замонавий тарзда ўтказиш газети саҳифаларида тарғиб қилинмоқда. Қадрдон қудалар ҳамжиҳатлигида уюштирилган ҳар томонлама мақбул намуналарни тадбирдан барча миннатдор. Шодиёнинг яна бир ибратли жиҳати, Одилхўжа ака “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг 14500 нусхалик адади ижросига шахсан муносиб ҳисса қўшиб, барча қариндош-уруғ, қадрдон қудаларини келгуси ярим йилликка обуна қилдирди. Шунингдек,

О. Меҳмонхўжаевнинг яқин қариндоши, Югнак кишлоғи турғуни Эрмат Вафоев келаси йили нишонланадиган давлат ва жамоат арбоби Нуртас Ўнгдасинов таваллудининг 120 йиллиги шарафига тарих учун ўта қимматли эсдаликлар, экспонатларни тортиқ этишини маълум қилди.

СССР Халқ депутати Шароф Ниёзов билан вилоятимиз кишлоқ хўжалиги равнақи йўлида улкан бунёдкорлик ишларига ташаббускор бўлган Нуртас Ўнгдасинов ҳаёти ва фаолияти ҳақида газета саҳифаларида туркум мақолалар бериб борилади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» Меҳнат одамлари



– Ахрорхон Турсунхўжа ўғли, республика чемпионлиги муборак бўлсин! Унга эришиш осон бўлмагандир?

– Қозоғистон Республикасида мактаб-интернатлар тарбияланувчилари – етим болалар орасидаги баскетбол мусобақаси 2005 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Унда ҳар бир вилоятдан битта жамоа қатнаша олади. Жанубий Қозоғистон вилоятида бешта Болалар уйи бор эди. Улар ўзаро беллашиб, ғолиб жамоа республика турнирига йўлланма оларди. Жорий йилги мусобақада бизнинг 4-сонли Болалар уйи ғолибликни қўлга киритди. 2005 йилдан буён жамоани мусобақаларга олиб бораман. Шу йиллар давомида мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида бўлди, лекин 1-ўринни қўлга киритиш насиб қилмаган эди. Бизнинг минтақада ёшлар футбол, волейбол билан кўпроқ шуғулланса, шимолӣ вилоятларда волейбол ривожланган экан. Жорий йилда мусобақа дастурига қизлар жамоаси ҳам киритилиб, беллашувда бизнинг қизлар жамоамиз 3-ўринни эгаллади. Ўғил болалар жамоаси эса тарихда биринчи марта республика чемпионлигини қўлга киритишди. Бу ғалабани шахсан ўзим 18 йил кутдим. Жорий мусобақада тарбияланувчимиз Богдан Кириченко турнирнинг “Энг кучли ўйинчиси” номинацияси ғолиби бўлганлигини алоҳида таъкидлагим келади.

– Ахрорхон ака, қаерда таҳсил олгансиз?

– Тошкент шаҳридаги республика Рус тили ва адабиёти институтини тамомлаганман. 1984 йили 4-сонли Болалар уйида меҳнат фаолиятимни бошлаганман. 25 йил мобайнида касба уюшмасига раҳбарлик қиламан.

– Кўп йиллик меҳнатларингиз ўқитувчилар кунини эл пойтахти Астана шаҳрида эътироф этилиб, медал билан тақдирланисиз?

– 39 йилдан буён бир жойда муқим меҳнат қилиб келмоқдаман. Ёш авлодга тарбия бериш ишларидаги жонқуярлигим, касба уюшмасидаги хизматларим ҚР Таълим ва фан вазирлиги томонидан муносиб баҳоланиб, “Меҳнат фахрийси” медал билан тақдирландим. Унда республикамизнинг ҳар бир минтақасидан бир киши мукофотланди. Мен Шимкент шаҳри номидан қатнашдим. Вақт, тез ўтиб кетар экан. Яқиндагина Болалар уйига ишга кирган эдим, кўз-очиби юмгунча, 39 йил ўтиб кетибди.

– Шу ўринда мохир раҳбар, Болалар уйини ўнлаб йиллар давомида муваффақиятли бошқарган Хонимбуви (Галина) Мираҳмад қизини хотирлаб ўтмасак бўлмайди...

– Хонимбуви Абдуқодирова 1984 йил август ойида директор вазифасига тайинланган. Мен эса декабрь ойида ишга кирганман. У инсон билан 29

КАСБИГА СОДИҚ ФИДОКОР



– Тошкент шаҳридаги республика Рус тили ва адабиёти институтини тамомлаганман. 1984 йили 4-сонли Болалар уйида меҳнат фаолиятимни бошлаганман. 25 йил мобайнида касба уюшмасига раҳбарлик қиламан.

– Кўп йиллик меҳнатларингиз ўқитувчилар кунини эл пойтахти Астана шаҳрида эътироф этилиб, медал билан тақдирланисиз?

– 39 йилдан буён бир жойда муқим меҳнат қилиб келмоқдаман. Ёш авлодга тарбия бериш ишларидаги жонқуярлигим, касба уюшмасидаги хизматларим ҚР Таълим ва фан вазирлиги томонидан муносиб баҳоланиб, “Меҳнат фахрийси” медал билан тақдирландим. Унда республикамизнинг ҳар бир минтақасидан бир киши мукофотланди. Мен Шимкент шаҳри номидан қатнашдим. Вақт, тез ўтиб кетар экан. Яқиндагина Болалар уйига ишга кирган эдим, кўз-очиби юмгунча, 39 йил ўтиб кетибди.

– Шу ўринда мохир раҳбар, Болалар уйини ўнлаб йиллар давомида муваффақиятли бошқарган Хонимбуви (Галина) Мираҳмад қизини хотирлаб ўтмасак бўлмайди...

– Хонимбуви Абдуқодирова 1984 йил август ойида директор вазифасига тайинланган. Мен эса декабрь ойида ишга кирганман. У инсон билан 29

йил елкама-елка ишлаш насиб қилди. Унинг энг катта хизмати – моддий аҳволи жуда ночор бўлган 4-сонли Болалар уйини бутун республикага танита олди. Яна бир тарихий хизмати – авваллари тарбияланувчиларимиз 8-синфни тугатгач, билим юртига топширилар эди. Хонимбуви Мираҳмад қизи “нима учун бизнинг тарбияланувчилар” 11-синфни ўзимизда тугатиб, олий ўқув юртларида ўқимайди”, деган мазмунда вазирликка хат йўллаб, Болалар уйимизни республикада биринчи 11-йилликка айлантирган эди. Шундан сўнг, тарбияланувчилар мамлакатимизнинг энг нуфузли институтларида ўқишга муяссар бўлишди. Айни пайтда 3 нафар тарбияланувчим Қарағанди Полиция академиясида таҳсил олмақда. Директоримиз бошчилигида раққоса қизларимиз танловларда олий совринларга эга бўлган. Етим болалар ҳам бошқалар сингари олий маълумотли бўлсин, ҳеч қимдан кам бўлмасин, деган максад билан куну тун меҳнат қилган. У барча тарбияланувчиларимизнинг онаси бўлса, биз – ҳамкасбларига меҳнат сирларини эринмай ўргатган устоз эди. Муваффақиятликнинг дастлабки машаққатли йилларида ҳамкорлар топиб, болалар учун барча шароитни муҳайё қилишга эришган эди.

Хуршид ҚўЧҚОРОВ.

ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

Вилоят аҳлига таниқли, мохир журналист Дуйсенбек Жумабаев 70 ёшда вафот этди.

Дуйсенбек Тўлегенули 1953 йили собиқ Фрунзе тумани (ҳозирги Саврон)нинг Егизқара кишлоғида туғилди. У 1970 йили “Қызыл Ўскер” ўрта мактабини тамомлаб, 1971-1973 йилларда Совет армияси сафида хизмат қилди. Меҳнат фаолиятини “Ленинизм” давлат хўжалигида оддий ишчи сифатида бошлаб, туманда қурувчи, Шимкент шаҳридаги “Пресс автомат” заводида монтажчи бўлиб ишлади.

Ёшлигидан сўзамол ва қалами ўткир Д. Жумабаев «Оңтўстӣ Қазақстан», «Туркӣстан» газеталарига мақолалар ёзиб турди. Газетанинг штатсиз мухбири сифатида вилоят, шаҳар ва кишлоқ муаммоларини дадил кўтарди. Туркистон шаҳридаги “Қозоқ тили” жамиятига раислик қилиб, “Туркистон нафаси” телеканалини бошқарди.

Нафақага чиққунга қадар “Туркӣстан” ва “Туркистон” газеталарида масъул котиб лавозимида фаолият юритган Дуйсенбек Тўлегенулининг ёрқин сиймоси ҳамкасбларига



ри, қариндош-уруғлари, дўсту ёронлари қалбида мангу сақланади.

Жойингиз жаннатда бўлсин, қадрли ога!

Райимжон АЛИБОВЕВ.

»» Хотира муқаддас

ОРТДА ҚОЛГАН ИЗ ЯХШИ

Вилоят маркази – Туркистон шаҳридаги обунада фаол Алишер Навоӣ номли мактабнинг собиқ аълочи ўқувчиси, мактаб ота-оналар кўмитасининг фаол аъзоси, ўқув даргоҳидаги кўплаб хайрли бунёдкорлик ишларига ҳомийлик қилган Абдулҳақ Абдукарим ўғли (тасвирда)нинг фонидаги кўплаб хайрли, ибратли ишлари кўпчиликка ибратдир. Мактаб ота-оналар кўмитаси раиси Саъдулла Содиқов тақдим этган, ўқув даргоҳининг 70 йиллик юбилейи шарафига 2000 йили “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти кўмағида чоп этилган “Устозлар ва шогирдлар” китобида Абдулҳақ ака ҳақида маълумотлар мавжуд.

Абдулҳақ Мавлонов 1948 йили Туркистоннинг Қўчота кишлоғида туғилган. 1955-1966 йиллар давомида Туркистон шаҳридаги Алишер Навоӣ номли мактабда аъло баҳоларга ўқиган. Тошкент шаҳридаги политехника олийгоҳининг механика факультетини муваффақиятли тамомлаб, муҳандис ихти-



сослигини эгаллаган. Меҳнат фаолиятини Туркистон шаҳридаги ремонт-механика корхонасида бош конструктор сифатида бошлади. 1979 йилдан ўша кезде Туркистон шаҳрида янгидан бунёд этилган замонавий пресс-автомат корхонасида бош муҳандис, 1995 йилдан эса директор лавозимида самарали фаолият юритди. Абдулҳақ Абдукарим ўғли Совет Иттифоқи даврида Туркистондаги sanoat корхоналарига етук билими

ва ташкилотчилик қобилияти шарофати билан раҳбарлик қилган sanoatли миллатдош ҳамюртларимиздан бири эди. Ишлаб қиқирисдаги фаолияти шаҳар, вилоят, республика кўламида, шунингдек, СССР ҳамда Қозоғистон соҳа вазирликлари томонидан муносиб тақдирланган.

Умр йўлдоши, устоз-шифокор Мавлуда Муҳаммад қизи билан Барно, Шахло, Дилрабо, Нодира, Ҳасан, Зуҳра исмли олий маълумотли қобил фарзандлар тарбиялаб, неваралар кўрган пир бадавлат оила соҳиби эди. Абдулҳақ Абдукарим ўғли А.Навоӣ номли мактабни олтин медал билан тамомлаган укаси Эрсултон Мавлонов билан қадрдон мактаблари ободончилиги, равнақи, таъмир ишларида мунтазам ҳомийлик ёрдами кўрсатганини миннатдорчилик билан эътироф этамиз.

Зеро, “Ортада қолган из яхши” нақли бежиз айтилмаган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ХУНАР ТАЪЛИМИ СОҲАСИ ФАХРИЙСИ ЭДИ

Вилоятимиз хунар таълим соҳаси оғир жудоликка учради. Билимдон устоз, меҳрибон ота, фаол жамоатчи Кенжехан Абпазули (тасвирда) оламдан ўтди.

Кенжехан Абпазули вилоятимиз хунар таълими ривожига салмоқли ҳисса қўшган фидойи устоз эди. У 1942 йили 9 февралда Қизилўрда вилоятининг Янгиқўрғон туманида дунёга келди. Туркистон индустриал техника техникумида тахсил олиб, 1963-1966 йилларда Совет Армияси сафида илгитлик бурчини ўтади. 1969 йили Сариевчи шаҳридаги 187-сонли билим юртида ўқув ишлаб чиқариш устаси, бир неча йилдан сўнг Туркистон шаҳридаги 31-сонли хунар-техника билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлади. 1976 йили 93-сонли хунар-техника билим юрти

директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари лавозимида меҳнат қилди. 1965 йилдан Коммунистик партия, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, “Нур Отан”, ҳозирги “AMANAT” партияси аъзоси бўлди.

К. Абпазули Москва шаҳридаги марксизм-ленинизм олий партия мактаби, Алмати кишлоқ хўжалиги, Шимкент шаҳридаги педагогика олийгоҳларини тамомлаган. Серзахмат меҳнатлари “Хунар-таълим соҳаси илғори” медал, вилоят таълим бошқармаси, шаҳар ҳокимлиги, лицей маъмурияти ташаккурномалари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган.

2005 йилга қадар Туркистон шаҳридаги кўп соҳали индустриал техника коллежида 35 йил узлуксиз меҳнат қилиб,



тажрибали устоз сифатида коллежнинг ўқув ва тарбия ишлари равнақида залворли ҳисса қўшди.

Умр йўлдоши Улбала опа билан икки ўғил, икки қиз тарбиялаб, 16 неваралар кўрган пир бадавлат оила соҳиби эди.

Ш. МАДАЛИЕВ.

»» Хушхабар устига хушхабар

Мактаб – кема, билим – денгиз, дейишади. Билимлар уммонида сузаётган келажакимиз ворислари таълим олаётган умумтаълим мактабларида ақлли ва доно муаллимлар, юсак фазилатли саркорлари раҳнаомлигида муваффақиятли фаолият юритишмоқда. Бу борада, албатта, инсоний ижобий фазилатлар устуворлиги аҳамиятга сазовор.

Мабодо раҳбар фаол бўлмаса, жамоада, жамиятда ижтимоий фаоллик ҳам шаклланмайди. Шахсий раҳбарлик фазилати ила кўпчилиكنи ортидан эргаштира оладиган, ишнинг кўзини билдиган шахслар туфайли қайси соҳада бўлмасин, тараққиёт юзага келади. Ишлар юришади.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» газетаси саҳифаларида таълим муассасаларига тайинланаётган директорларни элга танитмоқдамиз. Кимнинг кимлигини эл билгани, танигани яхши.

Сайрам туман таълим бўлими қатор мактабларга янги директорларни тайинлади.

ЛОЛА ВА МУЗАФФАР – МАКТАБ РАҲБАРЛАРИ



Мана – навбатдагилари.

Лола Абдуғаниева Қорабулоқ қишлоғидаги 104-сонли умумий ўрта мактаб раҳбари этиб тайинланди. Лола Ирисмат кизи 1983 йилда таваллуд топган. Ўрта мактабда таълим-тарбия олгач, 2001-2005 йилларда Шимкент шаҳридаги М. Аюзов номи Жанубий Қозоғистон Давлат университетиди таҳсил олган. Олий маълумотли – қозоқ тили ва адабиёти муаллимаси ихтисослигини эгаллаган.

Меҳнат фаолиятини оддий муаллималикдан бошлаб, директорнинг ўринбосари вазифаларини ҳам муваффақиятли адо этиб, бой билим ва тажриба тўплаган раҳбар.

Алишер Навоий номи умумий ўрта мактаб Қўлқент қишлоғида жойлашган. Эндилқда ушбу умумтаълим ўрта мактаби жамоасига **Музаффар Гултураев** етакчилик қилмоқда.

Ушбу таълим масканига янгидан тайинланган директор – Музаффар Зокиржон ўгли 1989 йилда таваллуд топган. У 2011 йилдан буён А. Навоий номи мактабда ёш авлодга математика фанидан сабоқ беради. Билимдон ва

изланувчан муаллим, 2015-2019 йиллар мобайнида қўшимча таълим берувчи вазифасини ҳам самарали амалга оширган. Шунингдек, битирувчиларнинг касб танлаши, грант асосида ОТМларга ўқишга киришида хизматлари беқиёс.

Таълим соҳасида эришган муваффақиятлари туфайли қатор туман, вилоят ва республика Фахрий ёрлиқ ва Ташаққурномалари билан тақдирланган. Лавозим муборак, ҳурматли мактаб саркорлари...

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

Шаҳбайит

“ХАТОДИН ХОЛИ ЭРМАС ОДАМИЗОД, ЭРУР ҲАҚ ИШДА САҲВ ЭТМОҚДИН ОЗОД”. Алишер НАВОЙИ.

(Табдили: “одам боласи хатодан холи бўлмайди, фақат Парвардигоргина ҳар қандай айбдан озод”).

• *Кўн ҳикмати*

“БОЙЛАРНИНГ ЖАННАТИ КАМ-БАҒАЛЛАРНИНГ ДЎЗАХИДАН ЯРАЛАДИ”.

Виктор ГЮГО.

Ўзликни англати

Қозоқбой ЙЎЛДОШ, профессор:

“Одамзод ўзининг маънавий, ахлоқий, тафаккур даражасини парвариш қилиб бормаса, борган сайин ожизлашиб, майдалашиб бораверади. Одамларда катта идеалларга қизиқиш бўлмагани туфайли майда-чуйда, бўлмағур нарсаларни ўйлаб топиш, ўша билан ўзининг кўнгил истакларини қондиришга иштиёқ ортиб кетади. Гўёки шу билан тўқис бахтга эришадигандек, турли урф-одатлар ўйлаб топади. Масалан, суннат тўйларда болачани тахти-равонга ўтқазиб, тўрт кишилашиб, кўтариб юриш, келин-куёвнинг устидан пул сочиш каби мантқиқсиз ҳолатлар урфга кирди. Ёки яна биров туғруқхонадан фарзандини карнай-сурнайу дабдаба билан олиб чиқяпти. Нима биздан бошқа миллат фарзанд кўрмайдими? Улар учун бола азиз ҳисобланмайдими? Бахт-кувонч келтирмайдими? Негадир, бошқалар бизга ўхшаб ваҳима қилмай, туғруқхонадан уйига келади, тарбия қилади ва бу ишни биздан кўра яхшироқ уддалайди”.




ТАҲРИРИЯТГА ТАШАККУР

Саврон тумани Ўранғай қишлоғи марказидаги М. Аюзов номи умумтаълим ўрта мактаби директори Нурлан Қадиров (тасвирда) фаол жамоатчи обуначиларимиздан. Ушбу муассасада фаолият юритаётган ўқитувчи Раҳматулла Ёқубов ташкилотчилигидаги мактаб устозлар жамоаси обунаси ўтган ўқув йилидаги 50 нусхаси билан биргаликда синфлар ҳам умумишга жалб этилганлиги барчага ўрناк.

– Адиб Мухтар Аюзовнинг 125 йиллиги доирасида мактабимиз ҳовлисини ободонлаштириш, кираверишни мебель жиҳозлари билан таъминлашдаги муаллим Раҳматулла Ёқубов билан ҳамкорликда “Жанубий Қозоғистон” таҳририятининг ташкилий кўмаги учун миннатдорчилик билдирамиз, – деди директор Н. Қадиров.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.



Григориан тақвими бўйича бугун қишнинг биринчи куни. Бироқ ўлкамизда ҳамон куз нафаси кезиб юрибди. Шоир Уйғун ёзганларидек:

*Ёзнинг ёзлиги хўп, қишнинг қишлиги,
Ёмондир, шубҳасиз, қурғоқ келса қиш.
Донишмандлар қишнинг соз келишлиги
Мўл ҳосилнинг шаксиз гарови дермиш.*

*Шу сабабли ёғса қишда оппоқ қор,
Худди ёш боладай шодланман мен.
Хурсанд бўлганимча, қулганимча бор,
Қузда мўл ҳосилга фарқ бўламан мен.*

Бугун декабрь

Жунжиккан гавдаларда таъмсиз фароғ,
Кўзлар ёшланади, музлайди қароғ,
Ер тинч, кўк ҳурпайган, яп-яланғоч боғ,
Майлларингни тиндир бугун, декабрь.

Уй ичи фароғат, кунлар осуда,
Юраклар дам олсин чарчоқ, озурда,
Насибаларни еб, бошлар охурда,
Шаштларингни сундир бузун, декабрь.

Қабутар мизғийди жуфти-ла шохда,
Қаргага кун туққан, изгир ҳар ёқда,
Осмон ишин бошлар оппоқ бўёқда,
Илҳомларинг ёндир бузун, декабрь.

Кун чиқар, ботари қисқа бир ондир,
Узоқ тун, қоронғи, малҳам Қуръондир,
Қиш меҳмон, сен меҳмон ҳовлинга кўндир,
Бас, ўзингни кўндир бузун, декабрь.

Барно НЕЪМАТ қизи.
Қарноқ.

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДА ҒОЛИБИ



Туркистон шаҳридаги Гулзада Исмаилова раҳбарлик қилаётган Ғани Муратбаев номи умумтаълим мактабининг 5-“А” синф ўқувчиси Ержигит Кенжебай халқаро мусобақа ғолиби бўлди.

Ёш спортчи Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтган тазквондо бўйича халқаро мусобақада 28 кг. вазн тоифасида ғолибликка эришиб, олтин медаль ва халқаро даражадаги диплом билан тақдирланди. Қозоғистон байроғи Ержигитнинг ғалабаси шарафига мағрур ҳилпиратди.

– Ержигит икки ойдан сўнг Дубайнинг Пуджера Опен шаҳрида ўтадиган тазквондо бўйича жаҳон биринчилигига йўлланма олди. Иқтидорли, спорт ва билимини юсак савияда баравар уддалаётган ўқувчимиз, мактабимиз фахри – Ержигитга янги зафарлар, янги довлонлар забт этаверишига жамоамиз номидан тилакдошимиз, – дейди директор Г. Исмаилова.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



Ёши 70дан ўтиб қолган дўстимдан ўзида қандай ўзгаришларни ҳис қилаётганини сўрадим.

У менга қуйдагиларни айтди:

- Ота-онам, ака-ука, турмуш ўртоғим, фарзандларим ва дўстларимни сева-сева, энди ўзимни сева бошладим.
- Дунё менинг елкамда эмаслигини англадим.
- Мева-сабзавот сотувчилар билан савдолашини тўхтатдим. Яна бир неча минг сўм мени синдирмайди, лекин бу пуллар камбағал деҳқонга қизининг ўқиши учун пул тўлашга ёрдам беради.
- Мен официантга ҳам чойчақа қолдираман. Қўшимча пул унинг юзига табассум олиб келиши мумкин. Ахир унинг тирикчилиги меникидан кўра қийинроқ.
- Мен кекса одамларга битта еокеани неча марта такоррлагани ҳақида айтишни тўхтатдим. Хотира уларни умр йўлларидан қайта юриб, ўтмишни эслашга мажбур қилади.

- Мен одамларнинг нотўғри гапирганини билсам ҳам, уларни тузатмасликни ўргандим. Ҳаммани мукамал қилиш юки менинг зиммамда эмас. Дунё мукамалликдан қимматроқдир.
- Барчага саҳийлик билан илтифот кўрсатаман. Яхши гаплар нафақат уларни эшитувчининг, балки менинг ҳам кўнглимни кўтаради.
- Мен кўйлақдаги бурма ёки доғга эътибор бермасликни ўргандим. Шахсият ташқи кўринишдан кўра, аниқроқ кўзга ташланади.
- Мени қадрламайдиган одамлардан узоқлашишга ҳаракат қиламан. Улар менинг қадримни билишмайди, лекин мен биламан.
- Каламушлар пойғасида кимдир мени қувиб ўтиш учун фитнага қўл урса,

- мен эътибор бермайман. Чунки мен каламуш эмасман.
- Мен ҳис-туйғуларимдан уялмасликни ўрганимман. Ҳис-туйғуларим мени одам қилади.
- Мен тушундимки, муносабатларни тўхтатгандан кўра, худбинликдан воз кечиш яхшироқдир. Менинг худбинлигим мени чеклайди, ундан воз кечсам мен ҳеч қачон ёлғиз қолмайман.
- Мен ҳар кунни охириги кунимдек яшашни ўргандим. Ахир у чиндан ҳам охириги бўлиши мумкин.
- Мени бахтли қиладиган ишни қиламан. Мен бахтим учун масъулман ва қарздорман. Бахт – бу танловдир. Сиз хоҳлаган вақтда бахтли бўлишингиз мумкин, шунчаки бахтни танланг!

Энтони ХОПКИНС.

ИБРАТЛИ ДУНЁ

»» Табобат

ОЛИМЛАРНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРГАН ЕГУЛИКЛАР

Замонавий тадқиқотларда айтилишича, баъзи мева-сабзавотлар инсон танасидаги баъзи аъзоларга ўхшаши ва айнан ўша ўхшаш бўлган мева-сабзавот ўзига ўхшаган аъзога фойда бўлиши олимларни ҳайратда қолдирган.

- Помидор + юрак.
- Қўз + сабзи.
- Қўзиқорин + қулоқ.
- Цитрус мевалар+кўкрак.
- Ловия + буйрак.
- Узумбош + ўпка.
- Анжир + мойка.
- Бачадон + нок.
- Занжабил + ошқозон.
- Сельдерей (кашничси-мон ошқўк) + суяк.
- Ошқозон ости бези + ширин картошка.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортықбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулқибоз – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган бироқдарилиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. <i>Электрон почта: janubiy@inbox.ru</i>
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҲОНБОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 11800 нусха.	Бўғим: 3049.
Қозоғистон Республикасида тарқатилади.		Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.	